



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG'I

20 23 y. " 14 " yanvar

Nº 01-10/14

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining
"O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi huzuridagi
Yoshlar parlamenti faoliyatini takomillashtirish to'g'risida" 2022-yil
12-dekabrdagi 2749-IV-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining
"O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi huzuridagi Yoshlar
parlamenti faoliyatini takomillashtirish to'g'risida" 2022-yil 12-dekabrdagi
2749-IV-son qarori ijrosini ta'minlash maqsadida

B U Y U R A M A N:

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining
"O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi huzuridagi Yoshlar
parlamenti (keyingi o'rnlarda – Yoshlar parlamenti) faoliyatini takomillashtirish
to'g'risida" 2022-yil 12-dekabrdagi 2749-IV-son qarori (keyingi o'rnlarda – qaror)
ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Yoshlar ishlari agentligi Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash,
ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo'limi (A. Alimov) hududiy boshqarmalar
bosqliqlari bilan birgalikda:

qarorning mazmun-mohiyatini yoshlarga tushuntirish choralarini ko'rish;

Yoshlar masalalari bo'yicha komissiyaga Yoshlar parlamenti tarkibini
shakllantirish jarayoniga yaqindan ko'maklashish vazifasi yuklansin.

3. Ushbu buyruq ijrosini nazorat qilish direktor o'rnbosari F. Ablayarov
zimmasiga yuklansin.

Direktor

A.Sa'dullayev





**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти
фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ислоҳотлар жараёнига фаол жалб этиш, ёшларнинг ғоялари ва ташабbusларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ушбу йўналишда белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишда мамлакатимиз парламентининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти ташабbusи билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти (бундан буён матнда Ёшлар парламенти деб юритилади) ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Ёшлар парламенти ёшларнинг сиёсий-хуқукий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, қонунларни ёшлар орасида тарғиб қилиш орқали уларнинг жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш, ёш авлоднинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиласиган муҳим институт сифатида шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) кўриб чиқишида бўлган қонун лойиҳалари юзасидан Ёшлар парламенти аъзолари томонидан жами 142 та таклиф тайёрланган бўлиб, улардан 38 таси қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар жараёнида ҳам Ёшлар парламенти аъзолари фаол иштирок этиб, улар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасига мингдан зиёд таклифлар тақдим этилган. «Конституциявий ислоҳотлар ёшлар муҳокамасида» мавзуусида 50 дан зиёд туркум тадбирлар ташкил этилган.

Қонунларнинг мазмун-моҳияти, ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш масалаларига бағишлиланган 247 та ўқув-семинари ва конференция ўтказилган.

Ўтган даврда Ёшлар парламенти томонидан хорижий мамлакатлар ёшлари билан ҳамкорлик қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, улар Россия Федерацияси, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Миср давлатларида бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон делегацияси таркибида фаол иштирок этиб, мамлакатимизда

амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилган.

Жумладан, 2021 йил 19 – 21 ноябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилган «Ёшлар қарори» кейс чемпионатида иштирок этган Ёшлар парламенти жамоаси 200 та жамоа орасида учинчи ўринни эгаллаганлиги юртимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Бугунги кунга қадар Ёшлар парламентининг бир нечта фаол ва ташаббускор аъзолари қатор масъулиятли лавозимларга муносиб кўрилган. Хусусан, уларнинг 4 нафари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутати этиб сайланган, 11 нафари маҳалладаги ёшлар етакчиси, 3 нафари ҳоким ёрдамчиси, 1 нафари «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ижрочи директори ўринбосари лавозимига тайинланган.

Ёшлар парламентининг 9 нафар аъзоси «Зулфия» номидаги ҳамда «Мард ўғлон» давлат мукофотларига, шунингдек «Келажак бунёдкори» ва «Шуҳрат» медалларига лойиқ кўрилган.

Шу билан бирга Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда Ёшлар парламентининг олдига қўйилаётган вазифалар унинг таркибий тузилмаси, вазифаларини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришни ҳамда ваколатлари ва имкониятларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Жумладан, Ёшлар парламенти аъзоларининг сиёсий партиялар билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида ҳар бир сиёсий партия Ёшлар парламенти аъзолиги учун номзодни Қонунчилик палатасига сайланган депутатнинг сайлов округидан кўрсатишини белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзоларининг узвий фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ёшлар парламенти аъзоларининг сонини Қонунчилик палатаси депутатлари сонига мослаштириш талаб этилмоқда.

Ёшлар парламентининг Қонунчилик палатаси депутатлари билан амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ёшлар парламентига ҳар икки йилда ўтказиладиган сайловларни Қонунчилик палатасининг ваколат муддатидан келиб чиқиб, ҳар икки ярим йилда ўтказилишини белгилаш зарур.

Шунингдек, Ёшлар парламенти зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга кўмаклашиш мақсадида Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича Комиссиясининг Ёшлар парламентини шакллантириш жараёнини мувофиқлаштириш борасидаги ролини кучайтириш лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси (М. Валиев) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва унинг аъзолари томонидан ўтказиладиган тадбирларни (конференция, семинар, очик мулоқот, учрашув, давра сұхбатлари) ташкил қилиш ва ўтказишга услубий ҳамда амалий кўмаклашиш чораларини кўриш тавсия этилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Девони (К. Эрназаров):

Ёшлар парламенти ва унинг аъзолари самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Ёшлар парламенти аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси кўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг мажлисларида ҳамда қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича ўтказиладиган бошқа тадбирларда иштирок этиши учун шарт-шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясини Ёшлар парламенти аъзоларига топшириладиган хизмат гувоҳномалари ва кўкрак нишонлари билан таъминлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Кенгашининг 2020 йил 11 мартағи 167-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 217-модда; 2022 йил, № 4, 358-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари О. Тожиев зиммасига юклатилсан.

7. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Конунчилик палатасининг
Спикери**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь,
№ 2749-IV.



Н. Исмоилов

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Конунчилик палатаси
Кенгашининг 2022 йил 12 декабрда
қабул қилинган 2749–IV-сонли Қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси
хузуридаги Ёшлар парламенти тўғрисидаги низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти (бундан бўён матнда Ёшлар парламенти деб юритилади) юридик шахс мақомига эга бўлмаган маслаҳат органи бўлиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига (бундан бўён матнда Конунчилик палатаси деб юритилади) хисобдордир.

2. Ёшлар парламенти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Ёшлар парламенти бир юз эллик нафар аъзодан иборат.

4. Ёшлар парламенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг ваколати муддати тугагунга қадар, бироқ икки ярим йилдан кўп бўлмаган муддатга ўз фаолиятини амалга оширади.

5. Ёшлар парламенти ўз логотипи, аъзоларининг кўкрак нишони ҳамда белгиланган шаклдаги гувоҳномасига эга бўлади.

6. Ёшлар парламентининг расмий номи:

а) давлат тилидаги:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти; қисқартирилган номи – Ёшлар парламенти;

б) рус тилидаги:

тўлиқ номи – Молодежный парламент при Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан; қисқартирилган номи – Молодежный парламент;

в) инглиз тилидаги:

тўлиқ номи – Youth Parliament under the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan; қисқартирилган номи – Youth Parliament.

**2-боб. Ёшлар парламентининг мақсади,
асосий вазифалари ва функциялари**

7. Ёшлар парламентининг мақсади ёшларниң қонуний хукуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг хукукий онги ва

саводхонлигини ошириш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда иштирок этишдан иборат.

8. Ёшлар парламентининг вазифалари қуидагилардан иборат:

ёшларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил тадбирларини амалга оширишда қўмаклашиш;

ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш;

ёшлар иштирокида долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун ижодкорлиги масалалари, шунингдек қонунчилик техникаси, қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари бўйича амалий муҳокамаларни ташкил этиш;

ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик рухини кучайтиришда ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир ишларни амалга оширишда қўмаклашиш.

9. Ёшлар парламенти ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

ёшларга оид қонунчиликдаги хуқуқий бўшлиқларни аниқлайди ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Қонунчилик палатаси ёки унинг тегишли қўмитаси таклифига асосан Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил тадбирларини амалга оширишда иштирок этади;

ёшларни ўйлантираётган масалалар юзасидан уларнинг иштирокида муҳокамаларни ўтказади;

Ёшлар парламенти аъзоларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида малака ошириш курслари ва ҳамкорликда турли тадбирларни ташкил этади;

ёшларда ватанпарварлик рухини кучайтириш мақсадида турли тадбирларни ташкил этади ва ташабbusларни илгари суради;

ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш мақсадида кенг тарғибот тадбирларини амалга оширади;

Қонунчилик палатасининг фаолияти ва қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишилар қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси (бундан буён матнда Ёшлар масалалари бўйича комиссия деб юритилади) розилиги асосида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлардаги Ёшлар парламентлари билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш чораларини кўради;

хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда Конунчилик палатасига, шунингдек Ёшлар масалалари бўйича комиссияси розилиги асосида бошқа мутасадди ташкилотларга кўмаклашади.

3-боб. Ёшлар парламентининг ҳукуқлари ва Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг ваколатлари

10. Ёшлар парламенти ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

давлат ҳокимияти органларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, таълим ва илмий муассасалардан, бошқа ташкилотлардан Ёшлар парламентининг ваколатларига киритилган масалаларни тайёрлаш учун зарур бўлган хужжатлар, материаллар ва маълумотларни Ёшлар масалалари бўйича комиссияси билан келишган ҳолда сўраш ҳамда олиш;

Конунчилик палатаси ёки унинг Кенгаши мажлисида Конунчилик палатасининг Спикери ёки унинг ўринbosарлари розилиги билан, Конунчилик палатасининг қўмиталари, комиссиялари, Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг мажлисларида тегишинча қўмита, комиссия, фракция раисининг розилиги билан иштирок этиш;

Конунчилик палатасининг кутубхонасидан, таълим ва илмий муассасаларнинг, марказларнинг электрон маълумотлар базаларидан, ахборот-кутубхона ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

қонунлар лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлаш, тадбирлар ўтказиш ҳамда Ёшлар парламентининг ваколатига кирувчи бошқа вазифаларни амалга ошириш учун олимлар, мутахассислар орасидан ишчи гурухлар ташкил этиш.

Ёшлар парламенти қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Ёшлар парламенти зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга кўмаклашиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича комиссия:

Ёшлар парламентини шакллантириш жараёнини мувофиқлаштиради;

Ёшлар парламенти аъзолигига номзоднинг мазкур Низомнинг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларга мос келиши масаласини кўриб чиқади;

Ёшлар парламенти аъзолигига сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган номзодларни тасдиқлади;

Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатини мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқади;

Ёшлар парламенти аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда бўшаб қолган аъзолик ўрнини тўлдириш бўйича ўн иш куни ичидаги тегишли сиёсий партияга янги номзодни тавсия этиш бўйича маълум қиласиди;

Ёшлар парламенти логотипи, аъзоларининг кўкрак нишони ҳамда белгиланган шаклдаги гувоҳномасини тасдиқлади ва беради.

4-боб. Ёшлар парламенти таркибини шакллантириш

12. Ёшлар парламенти таркибини шакллантириш жараёни амалдаги Ёшлар парламентининг ваколат муддати тугашидан камида иккى ой олдин Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Бунда Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан Ёшлар парламенти таркибини шакллантириш жараёнига Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи каби ёшлар сиёсатига масъул бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлар жалб этилиши мумкин.

13. Ёшлар парламенти аъзолиги учун номзодлар сиёсий партияларнинг республика ташкилотлари томонидан турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ташаббускор, юксак маънавиятли, давлат ва жамият қурилиши соҳасида етарли билимга эга бўлиши ўз ортидан тенгдошларини эргаштира оладиган, лидерлик қобилиятига эга бўлган ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан тавсия этилади.

Бунда ҳар бир сиёсий партия Ёшлар парламенти аъзолиги учун номзодни Конунчилик палатасига сайланган депутатининг сайлов округидан кўрсатади ва Ёшлар масалалари бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этади.

14. Куйидагилар Ёшлар парламенти аъзолигига номзод сифатида тавсия этилмайди:

Конунчилик палатасининг депутати, Сенат аъзоси;

садир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

15. Ёшлар масалалари бўйича комиссия Ёшлар парламенти аъзолигига номзоднинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мос келиши масаласини кўриб чиқади.

16. Номзодлар мазкур низом талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда Ёшлар масалалари комиссияси томонидан Ёшлар парламенти аъзолигига номзод сифатида рўйхатга олиниши рад этилади ва бу ҳақда сиёсий партияга маълум қилинади.

Бунда янги номзодлар сиёсий партия томонидан ўн иш куни ичида қайта тавсия этилади.

17. Ёшлар парламенти аъзолари Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг қарори билан тасдиқланади.

18. Ёшлар парламенти аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда бу ҳақда Ёшлар масалалари бўйича Комиссия ўн иш куни ичида тегишли сиёсий партияга ёзма равишда маълум қиласди.

Сиёсий партия томонидан Ёшлар парламентининг бўшаб қолган аъзолик ўрнига номзод тавсия этиш ва уни Ёшлар масалалари бўйича Комиссия томонидан тасдиқлаш мазкур низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Ёшлар парламенти фаолиятини ташкил этиши

19. Ёшлар парламенти фаолиятининг ташкилий шакли унинг қоида тариқасида, йилига камида икки марта ўтказиладиган мажлислариdir. Ёшлар парламенти мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади.

Ёшлар парламенти мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Ёшлар парламентининг Регламентида белгиланади.

20. Ёшлар парламенти киритилган масалалар юзасидан, шунингдек Ёшлар парламентининг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Ёшлар парламенти қарорлари Ёшлар парламенти аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

21. Ёшлар парламенти ўз таркибидан Ёшлар парламентининг Раиси ва унинг ўринbosарларини умумий сонининг кўпчилик овози билан Ёшлар парламентининг ваколати муддатига сайлайди.

Бир шахс сурункасига икки маротаба Ёшлар парламенти Раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

22. Ёшлар парламенти Раиси:

Ёшлар парламентининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласди;

Ёшлар парламенти муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қиласди;

Ёшлар парламенти қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ёшлар парламенти аъзолари ва қўмиталарга вазифаларни тақсимлайди;

Ёшлар парламенти томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган ёшларга оид таклифларни Ёшлар масалалари бўйича комиссиясига тақдим этади;

Ёшлар парламентининг халқаро алоқалари бўйича тарафлар билан ўзаро келишган ҳолда ҳамкорликка киришади;

Конунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшлиши юзасидан таклифлар киритади;

Ёшлар парламенти ва Ёшлар парламенти Кенгашининг қарорларини имзолайди;

Ёшлар парламенти қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

Ёшлар парламентининг Раиси ўз вазифасини бажариш даврида Ёшлар парламентидаги сиёсий партия гурӯҳи таркибида кириши мумкин эмас.

23. Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Ёшлар парламентининг Регламентида белгиланади.

Ёшлар парламентида тузилган сиёсий партиянинг гурӯҳи ўз вакили Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия гурӯҳлари, қоида тариқасида, ўз гурӯҳининг раҳбари номзодини киритади.

24. Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосари Ёшлар парламенти қўмиталаридан бирининг таркиби сайланиши мумкин.

25. Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарлари Ёшлар парламенти Раисининг топширигига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради.

26. Ёшлар парламенти Раиси йўқлигида ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарларидан бири бажариб туради.

27. Ёшлар парламентининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ёшлар парламенти Кенгashi тузилади.

Ёшлар парламенти Кенгашининг таркибида Ёшлар парламенти Раиси, унинг ўринбосарлари, Ёшлар парламенти қўмиталарининг раислари киради.

28. Ёшлар парламентининг Кенгashi:

Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради;

Ёшлар парламенти қўмиталарининг ишини мувофиқлаштириб боради;

ёшлар масаласига оид таклифлар лойиҳасини Ёшлар парламенти кўриб чиқиши ёки уни кўриб чиқиши ради этиш тўғрисида қарор лойиҳасини

дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган қўмитанинг хulosасига кўра қарор қабул қиласди;

кўмита раисининг билдиришномасига асосан Ёшлар парламентининг фаолиятида мунтазам равища иштирок этмаган аъзонинг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, шу жумладан уни чақириб олиш масаласини кўриб чиқиш бўйича тегишли сиёсий партияга тақдимнома киритади;

Ёшлар парламенти аъзосининг ишини ташкил этишга кўмаклашади;

Ёшлар парламенти фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

Ёшлар парламентининг Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўз аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қиласди.

Ёшлар парламенти Кенгашига Ёшлар парламенти Раиси раҳбарлик қиласди, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

29. Ёшлар парламенти томонидан унинг аъзолари орасидан Ёшлар парламентининг ваколатлари муддатига қўмита раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Ёшлар парламенти Раиси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

30. Ёшлар парламентида куйидаги қўмиталар тузилади:

Ёшларнинг хукуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари қўмитаси;

Ёшлар бандлиги ва ижтимоий масалалар қўмитаси;

Ёшлар тадбиркорлиги ва иқтисодий масалалар қўмитаси;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

Маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорлик масалалари қўмитаси;

Оммавий ахборот воситалари ва инновация масалалари қўмитаси;

Соглиқни сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;

Ёшлар туризми масалалари қўмитаси.

Ёшлар парламенти қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Ёшлар парламенти қарорлар қабул қиласди.

Ёшлар парламенти қўмиталарининг фаолияти тартиби Ёшлар парламентининг Регламентида белгиланади.

31. Ёшлар парламентидаги сиёсий партиялар гуруҳлари сиёсий партиядан кўрсатиладиган аъзолар томонидан сиёсий партияларнинг манфаатларини Ёшлар парламентида ифодалаш мақсадида тузилади.

Ёшлар парламенти аъзосининг сиёсий партия гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ёшлар парламентига сайланган аъзо фақат шу сиёсий партия гурухининг аъзоси бўлиши мумкин.

32. Ёшлар парламентининг котиби Ёшлар парламенти аъзолари орасидан Ёшлар парламенти раиси тавсиясига қўра Ёшлар парламентининг биринчи мажлисида сайланади.

Ёшлар парламентининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Конунчилик палатаси учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Ёшлар парламентининг котиби:

Ёшлар парламенти аъзоларининг мажлиси баённомаларини юритади; баённомаларни имзолаш учун Ёшлар парламенти раисига тақдим этади;

хужжатларни рўйхатга олади, Ёшлар парламенти хужжатлари сақланишини таъминлайди;

мажлис баённомалари ижросини мониторинг қилиб боради;

Ёшлар парламенти томонидан юборилган таклифларни умумлаштириб, таҳлил қиласида ва Ёшлар парламенти раисига ахборот киритади.

6-боб. Ёшлар парламенти аъзосининг мақоми

34. Ёшлар парламентининг аъзоси ўз фаолиятида сайловолди дастурининг бажарилиши бўйича сиёсий партия ва Ёшлар парламентига ҳисобдордир.

Ёшлар парламенти аъзоси ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан ажралмаган ҳолда жамоатчилик асосида амалга оширади.

35. Ёшлар парламентининг аъзосига Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан гувоҳнома ва кўкрак нишони берилади.

Ёшлар парламентининг аъзоси гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

36. Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда (Ёшлар парламенти аъзоси вафот этган ҳоллар бундан мустасно) гувоҳнома ва кўкрак нишони ўн кундан кечиктирмай Ёшлар масалалари бўйича Комиссияга қайтарилиши шарт.

37. Ёшлар парламенти аъзосининг хукуқлари:

Ёшлар парламенти қўмиталарига сайлаш ва сайланиш;

Ёшлар парламенти мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар тақлиф этиш;

Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан тақлифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириш;

Ёшлар парламенти томонидан сайланадиган шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш;

Ёшлар парламенти мажлисидаги мунозараларда иштирок этиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш;

ўз тақлифларини асослаб бериш учун сўзга чиқиш ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ бериш;

Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топшириш;

Ёшлар парламенти таркибидаги ўзи аъзо бўлган Кўмитанинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини Ёшлар парламентининг мажлисида баён этиш ёки бу ҳақда Ёшлар парламенти Раисига ёзма равишда маълум қилиш;

Конунчилик палатаси ёки унинг тегишли қўмитаси таклифига асосан Конунчилик палатасининг назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этиш.

Ёшлар парламентининг аъзоси тегишли мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз хуқуқидан фойдаланади.

Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатлари бошқа шахсга топширилиши мумкин эмас.

38. Ёшлар парламенти аъзосининг мажбуриятлари:

амалдаги қонун хужжатларига, ушбу Низом талабларига тўлиқ риоя қилиш, шунингдек, Ёшлар парламентининг қарорларини бажариш;

Ёшлар парламентининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

Ёшлар парламентининг мажлисларида ҳамда қўмита таркибиға сайланган бўлса, шу қўмитанинг мажлисларида қатнашиш, овоз беришда Ёшлар парламенти Регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиш;

Ёшлар парламентининг мажлисларида ҳамда қўмита мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда қўмита раисига олдиндан хабар қилиш;

Ёшлар парламентининг ёшлар ўртасида ва жамиятда таъсир кучи ҳамда обрўсими оширишга ўз ҳиссасини қўшиш;

Ёшлар парламенти фаолиятини тарғиб қилиш ва қўллаб-куватлаш;

ёшлар ўртасида жиноятчилик ва хукуқбузарликларни олдини олиш борасидаги кўникмаларини шакллантиришни тарғиб қилиш;

Ёшлар парламентининг барча тадбир, дастур ва лойиҳаларида фаол қатнашиш;

Ёшлар парламентининг олдига қўйилган вазифаларни мустақил ҳал этишда Ёшлар парламенти Раиси билан келишиш ва бу фаолият ҳақида хабардор қилиб бориши.

Ёшлар парламенти аъзосининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

39. Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатлари қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари туғатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

у қонунга кўра Ёшлар парламенти ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айлов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;
 у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб
 топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
 у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
 у вафот этган тақдирда;
 Ёшлар парламенти тарқатиб юборилган тақдирда;
 Ёшлар парламенти фаолияти тугатилган тақдирда;
 сиёсий партия томонидан чақириб олинган тақдирда.

Алоҳида ҳолларда Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатлари Ёшлар
 парламентининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин.
 Ёшлар парламенти аъзоси деган юксак номга дод туширувчи хулқ-атвор
 бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

40. Конунчилик палатаси Спикери, Спикернинг ўринbosарлари,
 тегишли сиёсий партия раиси томонидан Ёшлар парламенти аъзоларига
 тавсифномалар берилиши мумкин.

41. Ёшлар парламенти Ёшлар масалалари бўйича Комиссиянинг қарори
 билан тарқатиб юборилиши мумкин.

42. Ёшлар парламентини қайта ташкил этиш ва тугатиш Конунчилик
 палатаси Кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг 2022 йил 12 декабрда
қабул қилинган 2749—IV-сонли Қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
хузуридаги хузуридаги Ёшлар парламентининг
РЕГЛАМЕНТИ**

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламентининг Регламенти (бундан бўён матнда Регламент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламентининг (бундан бўён матнда Ёшлар парламенти деб юритилади) мажлисларини ўтказиш, Ёшлар парламенти органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди ва Ёшлар парламентининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ички тартиб-қоидаларига доир бошқа масалаларни тартибга солади.

2. Ёшлар парламенти 150 нафар аъзодан иборат.

3. Ёшлар парламенти иши Ёшлар парламентининг ялпи мажлисларига (бундан бўён матнда мажлислар деб юритилади) ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган аъзолар фаолиятига асосланади.

4. Ёшлар парламенти фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин мухокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

5. Ёшлар парламентининг аъзоси бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**II БЎЛИМ. ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ
БИРИНЧИ МАЖЛИСИ**

6. Ёшлар парламентининг биринчи мажлиси Ёшлар парламентига сайловдан сўнг бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси (бундан бўён матнда Ёшлар масалалари бўйича комиссия деб юритилади) томонидан чақирилади.

Ёшлар парламентининг биринчи мажлисини Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг Раиси очади ва Ёшлар парламентининг Раиси сайлангунга қадар унда раислик қиласди.

7. Ёшлар парламенти биринчи мажлисни, қоида тариқасида, күйидаги кун тартиби билан ўтказади:

- 1) Ёшлар масалалари бўйича комиссия Раисининг Ёшлар парламентига сайлов якунлари тўғрисидаги ахбороти;
- 2) Ёшлар парламенти Раисини сайлаш;
- 3) Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарларини сайлаш;
- 4) Ёшлар парламентининг кўмиталарии (бундан буён матнда кўмиталар деб юритилади) тузиш;
- 5) қўмита раислари, унинг ўринбосарлари ҳамда аъзоларини сайлаш.

Ёшлар парламентининг биринчи мажлисида Ёшлар парламенти фаолиятини ташкил этиш билан бодлик бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади.

ІІІ-БЎЛИМ. ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛИ ШАХСЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1-боб Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринбосарлари

8. Ёшлар парламенти Раиси лавозимига номзод Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи томонидан тақдим этилади.

9. Ёшлар парламенти Раиси ўринбосарларининг сони, қоида тариқасида, Ёшлар парламентида тузилган сиёсий партиялар гурухларининг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ёшлар парламентида тузилган сиёсий партиянинг гурухи ўз вакили Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли хукукқа эга.

Ёшлар парламенти Раисининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия гурухлари, қоида тариқасида, ўз гурухи раҳбарининг номзодини киритади.

10. Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодлар аъзоларнинг саволларига жавоб бериши учун 30 дақиқагача вақт ажратилади. Ёшлар парламенти мажлисида номзодни муҳокама қилиш учун 20 дақиқагача вақт ажратилади.

Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни муҳокама қилиш ажратилган вақт тугагач ёки аъзоларнинг таклифига биноан Ёшлар парламентининг қарори билан тўхтатилади.

11. Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўрсатилган номзодлар яширин овоз бериш рўйхатига киритилади.

Ёшлар парламентининг Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали Ёшлар парламентининг ваколати муддатига сайланади.

Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш пайтидаги яширин овоз бериш усулини Ёшлар парламенти белгилайди.

12. Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи овоз бериш бошланганлигини эълон қилгандан кейин ҳеч ким овоз беришни бўлиб

қўйиши мумкин эмас. Овоз бериш бошлангандан то унинг натижалари эълон қилингунга қадар ҳеч кимга сўз берилмайди.

Агар овоз беришни ўтказиш вақтида овоз бериш тартиб-таомили бузилган ёки уни ўтказиш чогида тўсиқлар юзага келган бўлса, муҳокама қилинмасдан дархол такрорий овоз бериш ўтказилади.

13. Номзодлар, агар у яширин овоз бериш натижасида аъзолар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Ёшлар парламентининг Раиси ва унинг ўринbosарлари этиб сайланган ҳисобланади.

14. Агар Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринbosарлари лавозимига номзодлар аъзолар овозларининг зарур сонини тўпламаган бўлса, Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринbosарлари лавозимига такрорий сайлов ўтказилади.

Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринbosарлари лавозимига такрорий сайлов ушбу Регламентнинг 9–13-бандларига мувофиқ ўтказилади.

15. Ёшлар парламенти Раиси ва унинг ўринbosарлари сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади, уни Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

Ёшлар парламенти Раиси сайлангандан кейин Ёшлар парламентининг бундан кейинги мажлисини Ёшлар парламентининг Раиси олиб боради.

16. Ёшлар парламенти Раиси:

Ёшлар парламентининг ва Ёшлар парламенти Кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласди;

Ёшлар парламенти муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қиласди;

қўмиталар ва Ёшлар парламенти комиссияларининг (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ёшлар парламенти Раисининг ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлади;

Ёшлар парламенти аъзолари ва қўмиталарга вазифаларни тақсимлади;

Ёшлар парламенти томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган ёшларга оид таклифларни Ёшлар масалалари бўйича комиссияга тақдим этади;

Ёшлар парламентининг халқаро алоқалари бўйича тарафлар билан ўзаро келишган ҳолда ҳамкорликка киришади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукumat аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшлиши бўйича таклифлар киритади;

Ёшлар парламенти ва Кенгаш қарорларини имзолайди;

Ёшлар парламенти қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

17. Ёшлар парламенти Раиси яширин овоз бериш орқали аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Ёшлар парламенти қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Ёшлар парламенти Раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала аъзолар умумий сонининг камидан бир қисмидан иборат аъзолар гурухининг таклифига биноан Ёшлар парламенти томонидан кўриб чиқилади.

Ёшлар парламенти Раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда Ёшлар парламенти мажлисида Ёшлар парламенти Раисининг ўринbosарларидан бири раислик қиласи.

Ёшлар парламенти Раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

18. Ёшлар парламенти Раисининг бўш лавозимига номзод кўрсатиш ва уни сайлаш ушбу Регламентнинг 8–13-бандларида белгиланган тартибда ўтказилади.

19. Ёшлар парламенти Раисининг ўринbosарлари Ёшлар парламенти Раисининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Ёшлар парламенти Раиси йўқлигига ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

20. Ёшлар парламенти Раисининг ўринbosарлари яширин овоз бериш орқали аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Ёшлар парламенти қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Ёшлар парламенти Раиси ўринbosарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала аъзолар умумий сонининг камидан бир қисмидан иборат аъзолар гурухининг таклифига биноан Ёшлар парламенти томонидан кўриб чиқилади.

Ёшлар парламенти Раисининг ўринbosарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Ёшлар парламенти Раиси томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Ёшлар парламенти Раиси ўринbosарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

21. Ёшлар парламенти Раиси қўмиталарнинг таркибиға сайланиши мумкин эмас.

2-боб. Кенғаш

22. Ёшлар парламенти фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қарор лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқиши ташкил этиш мақсадида Кенғаш тузилади.

Кенгашнинг таркибига Ёшлар парламенти Раиси, унинг ўринbosарлари, қўмиталарнинг раислари киради.

Кенгашга Ёшлар парламенти Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

23. Кенгаш Ёшлар парламенти мажлислари оралигига заруратга қараб тўпланади.

Кенгаш мажлисларини Ёшлар парламенти Раиси, у йўқлигига ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда эса унинг ўринbosарларидан бири чақиради ва олиб боради.

24. Кенгаш:

Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради;

қўмиталарнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

ёшлар масаласига оид таклифлар лойиҳасини Ёшлар парламенти кўриб чиқиши ёки уни кўриб чиқишини рад этиш тўғрисида қарор лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган қўмитанинг хуносасига кўра қарор қабул қилади;

кўмита раисининг билдиришномасига асосан Ёшлар парламентининг фаолиятида мунтазам равишда иштирок этмаган аъзонинг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, шу жумладан уни чақириб олиш масаласини кўриб чиқиш бўйича тегишли сиёсий партияга тақдимнома киритади;

Ёшлар парламенти аъзосининг ишини ташкил этишга кўмаклашади;

Ёшлар парламенти фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

Кенгаш ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўз аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Ёшлар парламенти Кенгашига Ёшлар парламенти Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

25. Кенгаш қарорларининг лойиҳалари ва унинг мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар Кенгашга, қоида тариқасида, унинг мажлиси бошланишидан камида уч кун олдин киритилади.

Кенгаш таркибига кирувчи шахсларга, шунингдек унинг мажлисларида иштирок этувчи бошқа шахсларга мажлисда кўриб чиқиш мўлжалланаётган масалалар ҳақида олдиндан хабар қилинади ва зарур материаллар тақдим этилади.

Кенгаш баённомаси тузилади ва мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар ва у қабул қилган қарорлар ҳақида аъзоларга маълум қилинади.

3-боб. Қўмиталар

26. Ёшлар парламенти муҳока-масига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ёшлар парламенти томонидан

қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Ёшлар парламентининг ваколатлари муддатига Ёшлар парламенти аъзолари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

27. Ёшлар парламентида қўйидаги қўмиталар тузилади:

Ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари қўмитаси;

Ёшлар бандлиги ва ижтимоий масалалар қўмитаси;

Ёшлар тадбиркорлиги ва иқтисодий масалалар қўмитаси;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

Маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорлик масалалари қўмитаси;

Оммавий ахборот воситалари ва инновация масалалари қўмитаси;

Соғлиқни сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;

Ёшлар туризми масалалари қўмитаси.

28. Кўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимига номзодлар Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи томонидан тақдим этилади.

Кўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари Ёшлар парламенти мажлисида аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Кўмита раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Ёшлар парламенти қарорлар қабул қиласди. Қўмиталарнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

29. Кўмита раиси:

кўмита иш режаси лойиҳаси тайёрланишини ташкил этади ва қўмитанинг тасдиқланган иш режаси бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

зарур материаллар тайёрланишини ташкил этади, қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди;

кўмита аъзоларига топшириқлар беради, уларга қўмита фаолияти билан боғлиқ материаллар ва хужжатларни юборади;

киритилган масалаларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳларининг ишида қатнашиш, шунингдек қўмитанинг бошқа топшириқларини бажариш учун қўмита аъзоларини белгилайди;

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакилларини қўмита ишида қатнашишга таклиф этади;

Ёшлар парламенти, Кенгаш мажлисларида қўмита номидан иш кўради;

қўмита қарорларининг бажарилишига доир ишларни ташкил этади;

Ёшлар парламентига, Кенгашга ва Ёшлар парламенти Раисига уларнинг топшириқлари бажарилиши юзасидан ахборот беради;

қўмитанинг қарорлари бажарилганлиги ва унинг тавсиялари кўриб чиқилганлиги ҳақида қўмита аъзоларига ахборот беради.

30. Қўмита раисининг ўринбосари қўмита раисининг топшириғига кўра унинг айрим вазифаларини бажаради ҳамда раис йўқлигига ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда қўмита раиси вазифасини бажарип туради.

31. Қўмиталар ишни ўз режаларига, шунингдек Ёшлар парламенти, унинг Раиси ва Кенгаш топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Кўмиталар Ёшлар парламенти олдида масъул ва унга хисобдордир.

32. Қўмиталар:

ўз ташаббуси билан ёки Ёшлар парламентининг топшириғига биноан ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Ёшлар парламентининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қарор лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Ёшлар парламентида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

қарорларнинг лойиҳалари юзасидан хulosалар беради, қарор лойиҳасини Ёшлар парламентининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уларни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

Ёшлар парламентининг топшириғига ёки Кенгашнинг тавсиясига биноан муайян қарор лойиҳаси ёки Ёшлар парламенти ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

киритилган қарор лойиҳасига тааллукли масалалар юзасидан ташаббускорларнинг фикрларини эшитади;

киритилган Ёшлар парламенти қарорлари лойиҳалари матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Ёшлар парламенти қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

33. Қўмиталарнинг мажлислари Ёшлар парламенти мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қўмита мажлисини унинг раиси ўз ташабbuси билан ёки қўмита аъзолари умумий сонидан камида ярмининг ташабbuси билан чақиради.

Қўмита мажлиси ҳақида унинг раиси, қоида тариқасида, камида икки кун олдин қўмита аъзоларига хабар беради, шунингдек мажлиснинг бошқа катнашчиларини олдиндан хабардор қиласи.

Қўмиталарнинг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қўмита мажлисини қўмита раиси олиб боради.

34. Ёшлар парламенти аъзоси ўзи аъзо бўлган қўмита мажлисларида ҳозир бўлиши шарт.

Қўмита мажлисида ҳозир бўлиш имконияти бўлмаган тақдирда аъзо қўмита раисини олдиндан хабардор қиласи.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахassisлар

ва олимлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

35. Қўмиталар кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қиласди. Қўмита қарорини унинг мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

IV БЎЛИМ. ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ВА УНИНГ ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

36. Ёшлар парламенти фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилига камида икки марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Ёшлар парламенти мажлислари, агар уларнинг ишида Ёшлар парламенти аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ёшлар парламентининг навбатдан ташқари мажлиси Ёшлар парламенти Раиси таклифига биноан ёки Ёшлар парламенти аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Кенгаш Ёшлар парламенти мажлислари оралигига тўпланади.

Қўмиталарнинг мажлислари Ёшлар парламенти мажлислари оралиғига заруратга қараб ўтказилади.

Қўмиталарнинг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ёшлар парламенти мажлислари вақтида қўмиталарнинг мажлислари ўтказилмайди.

37. Ёшлар парламенти мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, Ёшлар парламентининг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маъruzачилар (кўшимча маъруза билан сўзга чиқадиганлар), шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Ёшлар парламенти мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Кенгаш томонидан тузилади.

Ёшлар парламенти аъзолари Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинадилар.

Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартиби Ёшлар парламенти қарори билан тасдиқланади.

38. Ёшлар парламенти мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мумкин.

39. Ёшлар парламенти мажлисларида иш давлат тилида олиб борилади.

40. Ёшлар парламенти мажлисида қилинадиган маъruzалар ва қўшимча маъruzаларнинг ҳамда сўзланадиган якунловчи сўзнинг муддати раислик қилувчи томонидан маъruzачилар (кўшимча маъруза билан сўзга

чиқадиганлар) билан келишилган ҳолда, қоида тариқасида, маърузалар учун 30 дақиқага қадар, кўшимча маърузалар учун 20 дақиқага қадар ва якунловчи сўз учун 15 дақиқага қадар белгиланади.

Музокараларда сўзга чикувчиларга 10 дақиқага қадар вақт берилади. Музокараларда такрорий сўзга чиқиш учун, шунингдек мажлиснинг олиб борилиши тартиби юзасидан, овоз бериш сабаблари бўйича, номзодлар юзасидан сўзга чиқиш, саволлар, таклифлар, хабарлар ва маълумотлар бериш учун 3 дақиқага қадар вақт ажратилади.

Раислик қилувчи мажлисда ҳозир бўлган Ёшлар парламенти аъзоларнинг кўпчилиги розилиги билан Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартибидаги масала муҳокамасининг умумий муддатини, савол-жавобларга ажратиладиган вақтни белгилаши, сўзлаш вақтини узайтириши мумкин.

Ёшлар парламенти мажлисларида Ёшлар парламенти аъзоси битта масала юзасидан музокараларда кўпи билан икки марта сўзга чиқиши мумкин.

Маъruzachi ва кўшимча маъруза билан сўзга чиқкан шахс музокараларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин якунловчи сўзга чиқиш ҳуқуқига эга.

Агар сўзга чиқкан Ёшлар парламенти аъзоси сўзлаш учун ажратилган муддатдан кўпроқ вақт мобайнида гапираётган бўлса ёки муҳокама этилаётган масала юзасидан гапирмаётган бўлса, Ёшлар парламенти мажлисида раислик қилувчи бир марта огохлантирганидан кейин уни сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум этади.

41. Ёшлар парламентининг мажлислари, қоида тариқасида, иш кунлари: соат 10.00 дан 13.00 гача ва (танаффусдан кейин) соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Ёшлар парламенти қарори билан Ёшлар парламенти мажлисларини бошлиш ва тугаллашнинг ҳамда танаффус қилишнинг бошқа вақти белгиланиши мумкин.

V БЎЛИМ. ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ҚАРОРЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

42. Ёшлар парламенти киритилган масалалар юзасидан, шунингдек Ёшлар парламентининг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласиди.

Қарор лойиҳаси Ёшлар парламентига киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

43. Ёшлар парламенти Раиси Ёшлар парламенти қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Кенгаш масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Ёшлар парламенти мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қиласиди ва маъruzачини белгилайди.

Ёшлар парламенти мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан Ёшлар парламенти аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Ёшлар парламенти қарори қабул қилинади.

44. Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

VI БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

45. Ушбу Регламентга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига асосан киритилиши мумкин.

46. Ёшлар парламенти мажлисларини ўтказишнинг, Ёшлар парламенти фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни қўриб чиқишининг Регламентда назарда тутилмаган тартиб-таомиллари Ёшлар парламенти мажлисида Ёшлар парламенти аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, баённома билан расмийлаштирилади ва қабул қилинган кундан эътиборан амал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг 2022 йил 12 декабрда
қабул қилинган 2749–IV-сонли Қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг 2020 йил 11 мартдаги 167–IV-сонли Қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 5-банд:

ўнинчи хатбохиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жойларда депутатлар томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари ва ўрганишлар давомида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти (бундан буён матнда Ёшлар парламенти деб юритилади) томонидан киритилган таклифлар асосида ёшлар масалаларига оид қонун хужжатларида аниқланган бўшлиқ, камчилик ва муаммоларни таҳлил қилиб бориш, шу асосда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшларга оид масалалар бўйича аниқланган қонун бузилишларини ҳамда уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар киритиши»;

қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи – ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ёшлар парламенти аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек уларнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш;

Ёшлар парламентининг фаолиятига, шу жумладан Ёшлар парламенти ва унинг аъзолари томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг ташкил этилишига ва ўтказилишига услубий ҳамда амалий кўмаклашиш;

Ёшлар парламенти аъзосининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилганда бўшаб қолган аъзолик ўрнига сиёсий партиялар томонидан номзод тақдим этилишига ва Комиссия томонидан тасдиқланишига доир масалаларни кўриб чиқиш;

Ёшлар парламентининг аъзосига гувоҳнома ва кўкрак нишонини топширишда иштирок этиш».

2. 6-банднинг иккинчи хатбохисидаги «Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари ва унинг кўмиталари» деган сўзлар «Қонунчилик палатасининг қўмиталари» ва Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 18-банднинг биринчи хатбохиси «оммавий ахборот воситалари вакиллари» деган сўзлардан кейин «шунингдек Ёшлар парламентининг аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.